



Марв истило килингандан сўнг рус кўшинлари ҳаракатни тўхтатмади, балки Туркистон бўйлаб ичкарилаб бордилар. Бу ҳолатда Афғонистон билан Русия орасида урушни четлаб ўтиш иложсиз эди.

1885 йил 18 мартда Тошкўприкда афгонлар билан руслар орасида дастлабки тўқнашув бўлди. Бу жангда руслар голиб чикиб, Реакс ва Кушка вохаларини ишғол қилдилар. Шу билан қиска уруш ниятига етди. Фақат 1877 йилдагина руслар Афғонистон билан чегара масалаларини ойдинлаштиришга муваффақ бўлди. Битимга кўра, чегара чизиги Гарбда Херируд дарёсидан Шарқда Амударёга қадар чўзилиши тан олинди. Бу ҳаддан ўруслар бениҳоя қаноат ҳосил қилдилар. Руслар Помирни ўзлаштириш истагида эди. Навбатда Шугнон, Рушан ва Гарбий Помирдаги Вахан ўлкасини ишғол қилиш муаммолари бор эди. Бу ўлкалар бир замонлар Кўкон хонлигига тегишли бўлиб, хонлик тугатилгач, мустақилликка эришган эдилар. 1873 йили Русия билан Англия ўртасида тузилган битимга кўра (Афғонистон билан Бухоро ўртасидаги чегара Амударёдан ўтарди, Бадахшон ва Вахан Афғонистонга қарам ҳисобланиб, Шугнон ва Рушан мустақил эди) мустақилликка эришган бу бекликлар Русия нуфузи доирасига кирмас эди. Бироқ Русия ўзини Кўкон хонлигининг меросхўри деб ҳисобларди. 1891 йил сентябрида ўзларининг Олой ва Помирнинг волилигига мўлжаллаб подполковник Грамбчевский бош штабда шундай хитоб қилди: «Кўкон хонлигини ишғол қилган Русия Помирни босиб олишга тамоман ҳақлидир». Мақсадга эришишнинг бу йўли кечиктирилди ва бунинг ўрнига турли-туман «илмий хайъатлар» 1876 йилдан бери Туркистоннинг бу қисмида фаолият кўрсатдилар.

1883 йили Афғонистон амири Абдурахимхон ўз ҳарбий кучларини тўғри гарбий Помирга йўналтирди. Улар Шугнонни ишғол қилишди. Бунгача Шугнон Шох Юсуф Али томонидан

мустакил бошқарилиб келинарди. Кейин Рушан томон юрган афгон бирликлари Сарикўлга қадар етиб келдилар. Амир бу хатти-ҳаракатнинг сабаби русларнинг бу ўлкага бостириб келишининг олдини олиш деб кўрсатди. 1883 йил 19 декабрда Русия Ташки ишлар нозирлиги Британия ҳукуматига Афғонистоннинг Шугнон ва Рушанга (Афғонистон Англиянинг нуфузи остида эди) бир нота топширди: бостириб кириши, уларнинг давлат ери бутунлиги ҳамда мустақиллигини поймол қилишини айтиб, норозилик билдирди. Айти пайтда афгон кўшинининг олиб чиқиб кетилишини талаб қилди. Британия бош элчиси бу ерлар Афғонистонга қарашли Бадахшон ўлкасининг бир қисми сифатида саналишини билдирди, яъни бу билан Британия Русларнинг талабини рад этди. Петербург билан Лондон орасида дипломатик ўйинлар давом этаётган бир пайтда афгонлар Шох Али Мардон идорасидаги мустақил Вахан беклигига юриш уюштирдилар. Бошқа томондан эса рус хайъати (1883 й.) Рушанга яқинлаша бошлади. Абдурахмонхон Шугнон ва Рушанга Гулзорхонни ҳоким қилиб тайинлаб орқага қайтади. У қетгач, шугнонлар ҳукмдорни ағдариб ташлади. Бу кўзғолонни, албатта, Русия кўллаб-қувватлади. Русия Бош штаби нозири Обручев 1884 февралда Туркистон Бош волисига шугнонларга «ёрдам кўрсатиш» буйруғини берди. 10 мартда эса қуролли тўқнашувлар рўй бермаслигига ҳаракат қилиш буйруғи берилди. 1888 йилгача Шугнон масаласида турли фикрлар бор эди. Чахор вилояти (Афғонистон Туркистони) ҳукмдори Исҳоқхоннинг 1888 йили ўғай қардоши Абдурахмонга қарши исёни, Афғонистоннинг Шугнондаги мавқеини қучсизлантирди. Шугнонлар афгон гарнизонини қўлга олиб, Мухаммад Акбаршоҳни ҳукмдор қилиб сайладилар. 1889 йили эса афгонлар Шугнонни қайта ишғол қилдилар. 1891 йил июлда полковник М.Янов бирлиги Помир Русияга тегишли эканлигини исбот қилиш учун Шугнонга юриш ҳақида буйруқ олди. Янов Қўқон хонлигининг қўхна қалъаларидан бири Октошга етганида, Туркистон бош волиси А.В.Веревкин Фарғона водийси ва Олойдан ўтиб, тўғри Помирга қараб юрди. 30 августда ҳарбий Яновнинг қисмлари Янги Марғилонга қайтди. 1891 йил декабрида инглизлар Канжут (Хунза ва Нағар) беклигини ишғол этишди. 1892 йил 12 январда Помир масалалари юзасидан рус ҳукумати анжумани уюштирилди. Бу йигинда яна бир қарра Помирдан воз кечмаслик қарорлаштирилди. Русия нуфузи Хиндикушга қадар узайтирилиши мўлжалланганди. Рус раҳбарияти Янов бошчилигида Помирга яна бир разведка жўнатишга аҳд қилди. 1892 йил 12 июнда Янов қисмлари Мурғобнинг юқори оқимига етиб бориб, у ерда «Помир миршабхонаси» қурди (Халфин, Присоединение, 378 - 379 б.). Руслар Помир масаласида Хитойни ҳам гафлатда қолдирдилар. 1893 йил 27 февралда инглизлар Амударё юқори ҳавзасидаги чегара масаласида руслар билан учрашишга тайёр эканликларини баён қилдилар. Ҳар икки давлат Помир масаласида учрашувлар бошлаб юборди. 1893 йил октябрида Хиндистондаги Британия ҳукуматининг Ташки масалалар давлат қотиби Х.М.Дурант Қобулга қелиб, амир Абдурахмон билан қисмларини Шугнон, Рушан ва Вахандан олиб чиқиб кетиш ҳақида битим тузди. Шу билан бирга, Панж дарёсидаги Дарвоз вилоятини Афғонистонга қўшиб олинишини таклиф қилди. Бу мавзуда Афғонистон ва Англия қелишиб олдилар. 1894 йил 11 мартда Британия Ташки ишлар нозирлиги Русиянинг Лондондаги бош элчиси Стаалга Русиянинг чегара қизиклари ҳақидаги таклифи қабул қилинганлиги баён қилинган нота топширди. 1895 йил 17 июлда Англиянинг Петербургдаги ҳарбий атташеси генерал Ерард билан Фарғона ҳарбий волиси Повала Швиковский Помирда нуфуз ўлкаси Зарқўлдан Хитой чегарасига қадар узайтириш ҳақида қелишиб олдилар. Панж ирмоғининг чап қирғоғи (Дарвоз) Афғонистонга, Шугнон ва Рушан, Вахан Русияга берилди. 1895 йили 20 август

чегараларнинг аникланиши тарихга машхур «Помир битими» номи билан кирди. Тарихда фавкулудда ходиса бўлган бу битим билан кучлилар заифларни «сиёсат бозорида» бир мато сифатида бир-бирларига таклиф этдилар.

Русиянинг харбий илгори(Помир сафари хакида Борис Тагаев хикоя тарзида маълумот беради: «Помирский поход», «Исторический вестник», 1898 й. С. 73., 111 - 138, 489 - 519, 859 - 888 бетлар. Бошқалари куйидагилар: «Русские над Индии. Очерки и рассказы! из боевой жизни на Памире. СПб., 1900; Памирские походы 1892 - 1895 гг. 1902., В заоблачной стране., 0 памирских походах 1892 - 1895 г.г. Москва, 1904.) Шугнон, Рушан ва Вахан назоратини ўз қўлига олди. Русия қўшни ислом давлатларининг наздида обрўсини тушириб қўймаслик учун бу ўлканинг ҳамма ерини дархол Русияга қўшиб олишни истамади. Бу ўлканинг бир қисмидан Орошар ва Помир вилояти ташкил қилиниб, Фаргона волиси ихтиёрига топширилди. Бошқа қисми Шугнон, Рушан, Вахан ва Ишкашим Бухоро амири ихтиёрига берилди. Аммо Бухоро амири Русиянинг Бухородаги сиёсий агенти Лассернинг Бухоро амирлигига тегишли бўлган Дарвоз беклигини Шугнон, Рушан ва Ваханга зўрлаб алмаштирганини баён қилади(Искандаров, Из истории Бухарского эмирата. М., 1958,104-6.). Рус ҳукумати «Помир муаммоси»ни хал қилиш ҳамда Хиндикуш масаласини хал қилиш билан Туркистон (Ўрта Осиё) босқини тугаганлигини англар эди. Шу муносабат билан 1896 йили Туркистонни босиб олишда иштирок этганлар ва хизмат қўрсатганлар хотирасига бағишлаб медалъ чиқарди. Медалнинг олд томонида I Николай, II Александр, III Александр ва II Николайларнинг исмлари қайд қилиниб, орқа томонида эса куйидаги ибора битилган эди: «Ўрта Осиёга 1853 - 1896 йиллардаги сафарлар хотираси учун»(Тагаев, 163-6.).

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан